

Душанба куни 7 июнда Озарбайжон тиётр мактабидаги талабаларимиз таникли Молернинг шу номдаги асарини ўйнадилар. Ёлгиз франциялиларнинггина эмас, балки бутун дунёнинг таникли кулги ёзгувчиси бўлгон Молер шу билан бизнинг сахнамизда иккинчи дафъа кўринади. Унинг «Хасис» деган асари, Масков тиётр мактабимиз томонидан бултур ва узок йиллари бир мартадан ўйналиб ўтган эди. Бу сафар кўйилгон асарни янглиш танлангон дея олмаймиз. Муни танлаш билан бокули талабаларимиз яхши иш килгонлар. Асар, энг ялгари, битта-яримта актўрни ўсдиришга, тарбия килишга ярайди. Сўнгра унинг кўйилишида хам ўрта асрларнинг кизик ва галати тарз (стил) лари бор. Масалан: парда хамма вакт очик туради. Уюннинг бошланиш ва тугашини ходимлар эълон килади. Ўюннинг бир кисми томошачилар орасида ўйналади. Асарда у вакт ёзгувчиларига конундай бўлиб колгон баъзи-бир асослар кузатилади, яъни: учала парда хам бир жойда, бир кўринишда кетади (жой бирлиги); воеа бир кеча-кундуз ораси да бўлуб ўтади (вакт бирлиги); хар ким ўз жупи билан чикади ва бошка-бошқалар. Ўрта аср тиётр тарзида ёзилгони учун, бу асар, ўзида бизнинг ўзбек томошачиларига анча якинлик, нукталари топа олар эди. Бу жихатни, хеч бўлмагонда тажриба йўли билан бўлса хам татбик килиб кўрилганда, бизнинг эл ўюнлари асосига якин нукталарини ишириб ковартириб кўрсатилганда, яхши самара берар эди, балки...

Лекин, томошанинг энг заиф нуктаси хам таасуфга карши, шу «кўйилиш» дадир. Гапнинг очигини айтганда, бизнинг маориф комиссарлигимиз ўз вактида яхширок бир режиссур учун керак бўлгон маблагни бермаган, берса хам оз берган, яхши режиссур келмаган, келгани бўлса берилиб ишламаган... Узун сўзнинг кискаси «кўйилиш» жихати кўб заиф чиккан.

Иигитларимиз ва кизларимиз чинакам тиришиб ўйнайдилар. Мумкин кадар тўла таъсир бериш учун жонбозлик киладилар. Шундай бўлса хам, таъсирнинг мазаси унча бўлмайди. Керакли жойларда талваса (хаяжон) етмайди. Балки, чикмай колади. Ўюн ёгидан жуда кийматли, олтин фурсатлар сезилмай ўтуб кетади. Ўзингиз ўйланг ахир: Каримжон, бизнинг энг кучли кулдиргучиларимиздан бири у кулгига рўлнинг рухига киради, хато ортдириб юборади. Шундай бир эркин кулдиргичга, кулгидан кўра кўбрак фожиаси бор бир рўлни берганлар. Шу учун унинг фожиали сўзлари хам, кулгили сўзлари хам бўш, талvasasiz, ишончсиз (неубидителный) чикади, томошачи кулган бўлса Карим кизикнинг гапига эмас,—Молер адабнинг лутфларига, тазодларига, уста гапларига кулади; у кулишлар, писани тўппа-тўгри ўкиб берилган вактда хам бўлмоги мумкин. Каримга шу рўлнинг янглиш берилгани, бутун асарга таъсир килди, чунки, асарнинг жон нуктаси ўша рўлда, асар исми хам ўшанинг исмиди. «Дандин» одам болалари орасида к ўб учрайтургон иродаси заиф (слабоволный), бўшанг, ландавур кишиларнинг биридир. Асар, ўшанинг тирикликтаги фожиасини кўрсатади, хам жуда тўла кўрсатади. Унинг кулгили сўзлари хам кўз ёшлари орасидан айтилмаги керак; кўз ёшлари самимий бўлса, актўр рўлнинг рухига кирса, кўз ёшлари орасидан томиб кетган енгил кулги сўзлари хам томошачини кулдира беради. Кулдирганда хам талваса, изтироб билан кулдирадиким, асл мазият шунда.

Кулдиргучи ва кизик Каримжонимиз фожиа никобида чиккач, албатта унинг борлиги, асл жавхари очилмади: шу учун бутун асарда мавжуд бўлгон аслик кўрилмади. Сахнанинг ўз камчиликлари кўб, муни наркомпирўснинг кулогига шипшитамиз. Сўнгра энг охирда бир нарсани айтиб ўтайин: бу асарни мундан сўнг кўйгон вактда, учта кора

боланинг «ўюн бошланади» сини бирга тушуриш керак.
Ортиқаси зериктиради хам совук чикади.

Жўрж Данден. — «Зарафшон» газетасининг 1927 йил 16 июн сонида босилган.
Молер — Молер, ҳакикий исми-шарифи Жан Батист Поклен (1622 — 1673) франтсуз
драматурги, актёри, театр арбоби. Катор комедиялар муаллифи, ҳакли равиша
франтсуз комедиясининг отаси саналади. «Жорж Данден ёки ахмок килинган эр» номли
комедияси 1688 йилда сахналаштирилган.

«Масков театр мактабимиз томонидан» — Молернинг «Хасис» пъесаси 1925 йил 14
июнда сахнага кўйилган.

«Асл жавхари очилмади» — образнинг мохияти очилмади деган маънода кўлланяпти.